ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00227

ОДАМ МУСКУЛЛАРИ ТАСВИРИНИ ИШЛАШДА ГИПС МОДЕЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Ботиршер Ғуломович Жаббаров
Наманган давлат унивеситети Тасврий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олий ўқув юртларининг санъатга ихтисослашган таълим йўналишлари талабаларини узоқ муддатли академик қаламтасвир машғулотлари жараёнида одам мускуллари тасвирини ишлаш жараёнида йўл қўядиган камчиликларини бартараф қилиш масаласи ўрганиб чиқилган.

Таянч иборалар: Одам қомати, анатомик тузилиш, тана тузилиши, мускуллар, елка мускуллари, кўкрак мускуллари, мушак толалари, пай, кўкрак қафаси, умуртқа поғонаси, курак ва курак ости мускуллари, Жан-Антуан Гудон, Экорше, ҳайкалтарошлик, қаламтасвир.

THE VALUE OF THE PLASTER MODEL IN IMAGE PROCESSING OF HUMAN MUSCLES

Botirsher Gulomovich Jabbarov
Associate Professor of the Department of Visual Arts and Engineering Graphics of
Namangan State University

ABSTRACT

The article discusses the problem of overcoming the shortcomings that allow students of art specialties of higher educational institutions to work on the image of human muscles in the process of long-term academic drawing.

Keywords: Human height, anatomical structure, body structure, muscles, shoulder muscles, chest muscles, muscle fibers, stake, uncle, chest, spine, shoulder and shoulder muscles, Jean-Antoine Houdon, Ekorche, sculpture, pencil drawing.

КИРИШ

Одам қомати тасвирини ишлаш жараёнида аксарият талабалар тамонидан йўл қўйиладиган ҳато ва камчиликлар қиёфачининг умумий ташқи кўриниши

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00227

ва юз ифодасига асосий эътиборни қаратиб, унинг асосини ташкил қилувчи склетни, анатомик тузилишни, мускулларни унутиб қўйганида кўзга ташланади.

Одам қоматининг ташқи кўриниши тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ва тасвирлаш учун унинг асосини ташкил қилган суяклар ҳақидаги билимнинг ўзи етарли эмас. Чунки, одам қоматини ташқи кўринишининг характерли хусусиятларини биргина суякларнинг ўзи белгилаб қолмасдан, балки унда мускулларнинг ўрни ҳам беқиёсдир.

Одам қоматининг анатомик тузилиши ҳақида чуқур билимга эга бўлган талаба турли хил ҳаракат ҳолатидаги одам суякларининг жойлашувини ва одам ҳаракатига мос равишда баъзи мускуллар қисқарган вақтда айримлари эса унга мос равишда чўзилишини яхши тасаввур қилади. Одам қоматидаги турфа хил мускуллар, пай ва тоғайлар гурухини бир-бири билан бирикишидек мураккаб жараёндан бехабар талаба одам қоматининг ҳақиқий кўринишини ишонарли тарзда тасвирлай олмайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Одам қоматининг пластик анатомиясини ўрганишга киришган талаба, ушбу жараённи фақатгина қўлида қалам тутган ҳолда амалга ошириши лозим. Одам қоматининг гипс намунасидан фойдаланиб тасвир ишлаган талаба модулдаги ҳар бир мускулларнинг тузилишини, йўналишини, уларнинг умумий ҳолатини, суяклар билан бирикишини диққат билан кузатиши, тахлил қилиши ва ўзи ишлаган тасвир билан таққослаб чиқиши, солиштириши талаб қилинади. Бундан ташқари ҳар бир мускулни қаердан бошланиб, қаерда тугашини ҳамда тасвирдаги чизгилар йўналишини белгилайдиган мушак толаларининг жойлашган ери ва йўналишини яхши ўрганиши зарур. Чунки, талаба одам қоматидаги мускуллар тасвирини ишлаётганда, айнан ушбу мускул толалари бўйлаб қаламни юргизиши талаб қилинади.

Ҳайкалтарошлик ва пластик анатомия ўқув предметида одам қомати мускулларининг тузилиши ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Академик қаламтасвир машғулотларида эса одам қоматидаги мушакларни ўрганишда француз ҳайкалтароши Жан-Антуан Гудонннинг 1767 йили яратган анатомик ҳайкали “Экорше” (териси олиб ташланган эркак ҳайкали) асаридан фойдаланилади. Ушбу асардан нафақат академик қаламтасвир асослари ўқув предметининг амалий машғулотларида, балки пластик анатомия,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00227

ҳайкалтарошлик, қаламтасвир машғулотлари жараёнида ҳам кенг кўламда фойдаланилади.



Экоршенинг олди ва ён томонидан кўриниш тасвири.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Одам анатомик тана тузилишининг гипс намунаси тасвирини ишлашда, аввало, суяклар ва уларни қоплаб турган мушакларни ҳар томонлама, диққат билан ўрганиши зарур. Елка камари, кўкрак қафаси, курак, думғаза мускуллари остида қаттиқ асос бўлган суяклар устида, уларни эгиб ёки букиб юбормасдан аниқ жойлашганлигини хис қилиш лозим. Кўкрак мускуллари тасвирини ишлаётган талаба улар кўкрак қафаси юзасида жойлашганлигини, қорин мускуллари остида қаттиқ асос йўқлигини яхши тушуниб етиши зарур. Умуман олганда, тананинг қайси аъзоси ёки бўлагининг мускуллари тасвирини ишлашдан қатъий назар, улар қандай асосга эга эканлигини яхши хис қилиш ва тасаввур қилиш шарт. Буларни барчасини яхши хис қилган ва кўз олдига келтира олган талабагина ўз олдига қўйган мақсадига эришиши ва вазифани тўлақонли бажариши мумкин.

Одатда талабалар одам қомати тасвирини ишлаганда уни олди ёки ён томонидан ишлаш билангина чекланиб қолади. Аммо, одам қомати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун эса буларнинг ўзи етарли бўлмайди. Шунинг учун одам қоматини орқа томонидан ҳам тасвирини ишлаш мақсадга мувофиқ саналади. Одам танасининг орқа томонидан тасвирини ишлаганда асосан иккита мускуллар йиғиндисини кўриш мумкин. Биринчиси бўйиндан бошланиб, елкани тўлиқ қамраб олган, кураклар орасидан ўтган трапециясимион мускуллари бўлса, иккинчиси эса тананинг кўкрак қафасини орқа томондан муҳофаза қилиб, одам қоматининг орқа томонини ўраб турган мускуллар ҳисобланади. Уларни остида одам қоматини шаклланишида муҳим аҳамият касб этган турли ўлчам, ҳажм ва шаклдаги мускуллар жойлашган бўлиб, улар ҳам одам қоматининг пластик кўринишида ўзига хос аҳамият касб этади. Уларни орасида каттароғи умуртқа поғонасини қамраб олган мускуллар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00227

бўлиб, у одамнинг бош суягидан бошланиб, думғаза суягида тугайди. Курак остидан бошланиб, белда тугайдиган икки ён томондаги мускуллар ҳам шулар жумласидан ҳисобланади.

Курак атрофида ҳам бирмунча майда мускуллар жойлашган бўлиб, улардан учтасигина қўл ҳаракати натижасида кўзга ташланади. Елка камарининг фаол ҳаракати жараёнида уларни ромбсимон бўлганини хис қилиш мумкин.

Одам қоматининг юқори қисми тасвирини ишлаганда эса елка камари мускулларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Ўзининг аҳамиятига кўра елка камари мускуллари олди томондан катта кўкрак мускуллари билан бирикса, орқа томондан кенг бел мускуллари ва трапециясимон мускуллар оралиғида жойлашади. Бундан ташқари курак билан туташган курак ости ва устки мускуллари, катта ва кичик думалоқ мускуллар ҳам шулар жумласига киради. Улар елка камари пластикасида муҳим аҳамият касб этиб, думалоқ кўриниш ҳосил қилиб, уни олди ва орқа томонини қамраб олади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, гипс намуна асосида одам мускуллари тасвирини ишлаганда мускулларнинг скелетдаги у ёки бу суяклар билан бирикишини диққат билан кузатиш, тахлил қилиш ва атрофлича ўрганиш зарур бўлади. Шу билан бир вақтни ўзида мускулларнинг ҳар бирини ўзига хос характерли томонларига ва уларнинг ўзаро муносабатларига ҳам эътибор бериш лозим. Суяклар тузилишига мос равишда шаклланган мускуллар тузилишининг ўзга хос қонуниятини жиддий тахлил қилиш керак. Шу тариқа, одам қоматининг қўл ва оёқ сингари бошқа аъзоларининг ҳам мускулларини кузатиш, тахлил қилиш, ўрганиш ва тасвирлаш зарур.

REFERENCES

1. Б. Бойметов. Ҳайкалтарошлик ва пластик анатомия. Ўқув қўлланма. Т.: 2007. 120-б
2. Н. Абдуллаев. Санъат тарихи. –Т.: 2001. 42-б